

Журналистлар байрами

(Боши 1-бетда)
Президент Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма йиғилишидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик янгиликлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг гоят муҳим шарти - бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир, дея таъкидлаган эди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида 27 июн - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан ўтказилган анжуманда шу ҳақда сўз борди.



Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Бугунги кунда жаҳонда кечаётган турли жараёнлар, шу жумладан, тинч мамлакатлар барқарорлигини издан чиқариш йўлида ахборот хуруж аҳж олаётгани юртимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан янада хушёр, огоҳ ва фаол бўлишни талаб этаётди. Айтиш пайтда бугунги шиддатли замон мамлакатимизда ишқотларни чуқурлаштиришнинг муҳим тарқибий қисми бўлиши оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириши, уларнинг муваққатли ва эркинлигини тўлароқ таъминлаш, журналистларнинг қасб маҳоратини мутасил замон талаблари даражасида ошириб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан ҳар йили ташкил этиб келинаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" қўриқ-танлови ҳам айнан шу мақсадларга хизмат қилади. Тадбирда мазкур танлов ғолибларига мукофотлар топширилди.

Йилгилаш Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган "Аёл омон бўлса..." республика танлови, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг "Энг фаол спорт журналисти" танлови ғолиблари ҳам тақдирланди.

Тадбирда саноат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎА мухбири.

Ғолиблар тақдирланди

(Боши 1-бетда)
Маъруф ОТАХОНОВ, «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири
Буёқ аллоамлар ҳаёти ҳамда маданий-маърифий туркумдаги мақолалари учун

Наталья ШАКИРОВА, «Правда Востока» газетаси ўз мухбири
Ижтимоий-сиёсий ислохотлар самараси ва муаммолар ечимига бағишланган мақолалари учун

Куйидаги журналистлар ижодий танловнинг раёблантирувчи мукофотига сазовор бўлишди:

Перхан АЛЛАМБЕРГЕ-НОВА, «Ёшлар» радиоканали «Камолот» муҳаррирати катта муҳаррири
Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара қўшинлари матбуот маркази бошлиғи

Ғайрат БОБОКУЛОВ, «Паст Даргом» газетаси муҳаррири ўринбосари
Малик Бой МУХАММАД, «Хамрох» хусусий газетаси маъмул муҳаррири

Сайди УМИРОВ, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

Татьяна ХЛЯКИНА, Ўзбекистон Теледрамакомпанияси «Тошкент» телеканали катта муҳаррири

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш, аёлларнинг нуфузини, уларнинг жамият ҳаётида туғган ўрнини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини қучайтириш, аёл зотики эъзозлаш ва улғулаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкорлар ўртасида «АЁЛ ОМОН БЎЛСА...» номили хотин-қизлар ҳаёти, иқоди, фоллияти, муаммолари, Ватанимиз равнақи йўлида қилинган ишлар ҳақида матбуот саҳифаларида ёритилган энг яхши мақола, телекурсутов, лавҳа, радиоэшиттириш ва фотокурсутовлар қўриқ-танловини эълон қилган эди.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг ҳаёти, орзу ва интилишлари, ижодий зафарлари, тадбиркорлик, фан,

(Боши 1-бетда)
Хисобот даврида марказ жамоаси мавжуд корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича ишларни фаоллаштирди.
Манфаатдор таъкилотлар билан ҳамкорликда «Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлда қабул қилинган 318-сонли «Махсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари махсулот ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларга содда ва лўнда қилиб тушунтирилди.
– Синовлар тақдорларинишга йўл қўймаслик мақсадида, ҳар қандай аккредитация қилинган синов лабораторияси синов натижалари баённо-малари барча сертификатлаштириш идоралари томонидан эътироф этиладиган бўлди, – дейди Навоий вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази бошлиғи Абдуҳаким Мухаммадиев. – Сертификатлаштириш жараёни икки босқичга ажратилди. Биринчи босқичда гигиеник сертификат расмийлаштирилади. Иккинчи босқичда мувофиқлик сертификати олинади. Эндликда бир вақтинг ўзида санитария-эпидемиология назорати марказларига гигиеник сертификат олиш учун ариза билан мурожаат этиш билан бирга сертификатлаштириш идорасига ҳам ариза бериш мумкин. Бу ҳол ҳам ўз навбатида сертификатлаштириш мuddатларини қисқартиришга хизмат этади.

Яна бир қулай томони шундаки, ветеринар ёки фитосанитар хулосалар беришинг аниқ мuddатлари белгиланди ва улар уч кундан ошмаслиги керак. Ишлаб чиқарилаётган махсулотта бериладиган гигиеник ва мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш мuddати уч йил этиб белгиланди.
Хукуматнинг биз юқорида таъкидлаб ўтган қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳўжалик субъектлари, жумладан, тадбиркорларга сертификатлар бериш, синовлардан ўтказиш ва бошқа хизматларни кўрсатиш тўғрисида вилоятдаги адлия, божиона ҳамда минтақадаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ходимлари, тадбиркорлар ҳамда тегишли идоралар иштирокида семинар йиғилиш ўтказилди. Унда қарорнинг ижроси ҳамда тадбиркорларга яратиб берилган қулайликлар хусусида сўз борди.

Чиндан ҳам марказда «Ўзстандарт» агентлигининг бевосита кўмағида қисқа мuddат ичида тадбиркорлар учун етарли шарт-шароитлар яратилганили, қўшимча хизмат турлари ташкил этилганлиги ҳамда тартибот ва ташвиқот ишлари йўлга қўйилганлиги сабабли мурожаат етвчилар сони сезиларли кўпайди.

Тадбиркорлар учун барча қулайликларга эга алоҳида махсулотларни қабул қилиш хонаси ташкил этилган бўлиб, ушбу хонада сертификатлаштириш соҳасига тегишли бўлган қарор ва қонунлар ҳамда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳўжатлар намунаси фойдаланиш учун осиб қўйилган. Хозирги кунда сифатни назорат қилиш идорасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг барчаси олий ва тегишли соҳадаги маълумотларга эгадир. Ҳар бир ходим ўз йўналиши бўйича агентлик қўшидаги Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида ўз малакасини ошириб келмоқда.

(Боши 1-бетда)
– Шу яхшимиз, бу бошбош-доклик эмасми?
– Яхшимиз, ёмонми, билмасам, четдан бизга шундай жамият қурасизлар дейишяптику!
– Уша бизга ақл ўргатаётганларнинг ўзларида жиноятчилик йилдан-йилга кўпайиб, гиёвандлик кучайиб, мактаб ўқувчилари ўз ўқитувчиларини отиб ташлаётганликларини, дахабариниш бўрми? – сўрадим ўқитувчидан.
– Телевизорда ҳаммасини кўриб турибмиз.
– Менимча, – деди тарих ўқитувчиси мунозарага қўйилиб, – мамлакатимизда қабул қилинган қонунларга ҳаётий-миздаги тартиб-қоидаларга амал қилиб, тўри ва ҳалол, эркин ва обод яшасак, миллий кадриятларимизни умумисоний кадриятлар билан ўйғунлаштириш оласак, демократик жамият қуришга эришамиз. Хозир шу йўлдан бораёмиз.

Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арийди. Бирок, ҳамма ҳам шундай тушунавермайдми. Орамизда биронинг турмуш тарзи кўзига ой бўлиб қўринаётганлар ҳам йўқ эмас. Агар ҳар биримиз кўнглимиз туссаган ишни қиладиган бўлсак, шахс эркинлигини жамият эркинлигини оустун қўйсак, ўзгаларнинг тарихий асосга ва мустаҳкам пойдеворга эга бўлмаган суний турмуш тарзини айнан қабул қилсак, бировларнинг йўриғи билан юрсак, ишончимиз комилки, аввало, ўзалигимиздан, ўз маънавиятимиздан ва миллий кадриятларимиздан, қолаверса, Ватан, миллат ва мустақил давлат сифатидаги шаънимиздан маҳрум бўлишимиз. Бировларнинг устидан ҳукмронлик қилишга ўрганиб қолган ва ана шу мақсад йўлида ҳақамилка даъвогарлик қилаётганлар бизни шунга мажбурлашмоқда. «Демократия тақчиллиги»ни қоплаш ва бу «жараён»ни тезлаштириш баҳонасида қарашли режаларни ишлаб чиқаришмоқда. Улар ана шу мақсад йўлида ҳеч нарсадан тап тортишмапти. Ҳатто бир пайтлар ўз ганимлари бўлган коммунистларнинг кураш усуллари, жумладан, кўча оломони таяниб инқилобни экс-

Махсулот рақобатбардош бўлсин

Сўнгги йилларда марказнинг синов базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Унинг лабораториялари сўнгги русумдаги, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Биргина 2005 йилнинг ўзида «Ўзстандарт» агентлигининг бевосита кўмағида 90 миллион сўмлик янги ускуналар келтирилди. Лабораториялар интернет тармоғига уланди. Бу эса ўз навбатида иш сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

Марказда корхоналарга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига қулайликлар яратиш, уларнинг вақтларини ва сарф-харажатларини тежаш мақсадида «Меъёрий ҳўжатларни ишлаб чиқиш, тадбиркорларга маслаҳат бериш, истеъмол товарларини марказлаш, корхоналарда мониторинг ўтказиш» бўлими ҳамда ми-жозларни қабул қилиш бюроси ташкил этилди ва қайтадан сифатли қилиб жиҳозланди. Бўлим томонидан истеъмол товарларини давлат тилида марказлаш бўйича маркировка матн намуналарини давлат тилига тўри таржима қилинганлиги тасдиқланиб, тадбиркорларга доимий амалий, ус-

шоширишнинг самарали воситаларида бири, ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлашда ИСО 9001 ба-засида халқаро стандартлар талаб-ларига мувофиқ сифат тизимини жорий қилиш ва сер-тификатлаштириш-дир.

Хукуматимизнинг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича Навоий вилоятда аниқ ишлар олиб боришмоқда. Мазкур қарорга мувофиқ «Навоийазот» ОАЖда сифат менежмент тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича кон-сультация хизмати кўрсатиш учун, жумладан, ходимларни ўқитиш ва тай-ёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида-ги «ТошКонСалт» МЧЖ «Бос» билан шартнома имзоланди ва ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Махсулотларни сертификатлаштириш тартиботи-ни соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда та-шкил этган, – дейди Навоий вилояти стандартлаштириш ва метрология бош-қармаси бошлиғи Азим Жўраев. – Ай-ниқис, мазкур қарорнинг қулай томон-ларини тадбиркорларга содда ва лўнда қилиб тушунтиришда матбуот

қўл келмоқда. Масалан, вилоятимизда нашр этилаётган «Дўстлик бай-роғи» газетасида бир қатор мақолалар чоп этил-ди. Бундан ташқари, ви-лоят истеъмолчилар ҳўқуқини ҳимоя қилиш жамияти ва СЭС билан ҳамкорликда Қизилқум вилоят телевидениясида бутун дунё истеъмолчи-лар ҳўқуқини ҳимоя қилиш кўнига бағишлан-ган махсус курсув та-йёрланди. Вилоят ҳўким-лиги билан ҳамкорликда ҳўкумат қарорининг ижроси, бўйича тадбир-корлар, қўшма корхона раҳбарлари ҳамда тегишли идоралар ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий вилояти стандартлаштириш ва метро-логия бошқармаси жамоаси тадбиркор-ларни имкон қадар қўллаб қувватлаш ишларига ҳисса қўшиб келмоқда. Ният ишбилармонларни қўллаб қувватлаш, уларни йўлга солиш.

Ўлғубек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

2005 йилнинг биринчи чорағи да-вомида 6 та корхонага стандарт ва тех-ник шартлар ҳамда сертификатлашти-риш қоидалари талабларига мос кел-маган махсулотлар сотганлиги учун

умумий қий-мати 4011,6 минг сўм қадрида иқтисодий жарималар белгиланди. Сотилиши таъкидлан-ган махсу-лотларни сотганлиги учун битта к о р х о н а умумий қий-мати 562,5 минг сўм бўлган иқтисодий жаримага тортилди.

Жорий йилнинг биринчи чорағи давомида Навоий шаҳридаги «Бела» савдо ишлаб чиқариш фирмасида ўтказилган текширув жараёнида сотувда бўлган икки турдаги бензин махсу-лотларининг сотилиш, сақланиш жа-раёнлари ва сифат кўрсаткичлари тек-ширилди. Текширув натижаларига кўра, ушбу махсулотлар стандарт та-лаби даражасида эканлиги аниқлан-ди. Бироқ фирмада мавжуд 8 донда ўнлаш воситалардан 3 таси қўйсан-масдан фойдаланилаётганлиги маъл-ум бўлди. Текширув натижалари бўйича корхонада аниқланган камчи-ликларни бартараф этиш учун фармоиш берилди. Жавобгар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги баённома тўдрилиб, у 6530 сўм миқ-дориди жаримага тортилди ва унди-риб олинди.

–Бошқармиз жамоаси барча иш-ларни Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг «Махсулотлар-ни сертификатлаштириш тартиботи-ни соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда та-шкил этган, – дейди Навоий вилояти стандартлаштириш ва метрология бош-қармаси бошлиғи Азим Жўраев. – Ай-ниқис, мазкур қарорнинг қулай томон-ларини тадбиркорларга содда ва лўнда қилиб тушунтиришда матбуот

қўл келмоқда. Масалан, вилоятимизда нашр этилаётган «Дўстлик бай-роғи» газетасида бир қатор мақолалар чоп этил-ди. Бундан ташқари, ви-лоят истеъмолчилар ҳўқуқини ҳимоя қилиш жамияти ва СЭС билан ҳамкорликда Қизилқум вилоят телевидениясида бутун дунё истеъмолчи-лар ҳўқуқини ҳимоя қилиш кўнига бағишлан-ган махсус курсув та-йёрланди. Вилоят ҳўким-лиги билан ҳамкорликда ҳўкумат қарорининг ижроси, бўйича тадбир-корлар, қўшма корхона раҳбарлари ҳамда тегишли идоралар ходимлари иштирокида семинар ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий вилояти стандартлаштириш ва метро-логия бошқармаси жамоаси тадбиркор-ларни имкон қадар қўллаб қувватлаш ишларига ҳисса қўшиб келмоқда. Ният ишбилармонларни қўллаб қувватлаш, уларни йўлга солиш.

Ўлғубек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бехзод КОДИРОВ

Жаҳамлик зўрми, ҳукмронлик?

порт қилиш усулини ҳам қўлланади. Бундан андиқон воқеалари ҳам кўрсатди.
Америка Қўшма Штатларида демократиянинг америкача усулини ер юзига тарқатиш билан шуғулланадиган Республика халқаро институти бор. Бу институтининг бутун фаолияти «жаҳонда демократияни тарқатишни тезлашти-ришга» йўналтирилган. Ўз вақти-да собиқ СССР коммунизм бутун ер юзиди галаба қозо-нишига ишонганидек, АҚШ ҳам ҳозир демократия жаҳон-га мумкин қадар тезроқ тар-қалишини истаиди. Қанийди, янаги президент сайловига бу жараён яқун топса? Бунинг учун маблагни аяш йўқ.

Шу йилнинг май ойида юқорида биз номини тилга олган институт Вашингтонда қабул маросими ўтказди. Унда иштирок этган АҚШ президен-ти демократияни жаҳон бўйлаб тарқатишда Украина, Грузия, Қирғизистон, Ироқ ва Ливанда эришилган галаба-ларни алоҳида таъкидлаб ўтар экан, бу ҳали ишининг бошла-рини эканлиғига ургу бериб, бундай инқилобий ўзгариш-ларни бутун Кавказ билан Урта Осиё қўтабтанилганини таъкид-лаб ўтди. У ана шу мақсадлар учун факат 2006 йилга 124 миллион доллар ажратиш ре-жалаштирилаётганини айтди. Президент демократияни тар-қатишдаги ва ҳорижда демок-рат лидерлар тайёрлашдаги хизматлари учун мазкур институт жамоасига миннат-дорчилик билдирди. Ҳатто «Республика халқаро институ-ти»ни қоплаш ва бу «жараён»ни тезлаштириш баҳонасида қарашли режаларни ишлаб чиқаришмоқда. Улар ана шу мақсад йўлида ҳеч нарсадан тап тортишмапти. Ҳатто бир пайтлар ўз ганимлари бўлган коммунистларнинг кураш усуллари, жумладан, кўча оломони таяниб инқилобни экс-

булаётганлар, шўбҳасиз, Кав-каз, Урта Осиё ва Яқин Шарқ билан чегараланиб қўлаётган-лари йўқ. Улар, айтайлик, Рос-сия ёки Хитой каби катта ва кучли давлатлардаги демок-ратик жараёнларнинг ҳозирги сўрват ва даражасидан ҳам қониқмаяптилар. Тўғриси, уларнинг Грузия ва Қирғизис-тондаги қабил Россия ва Хи-тойдан инқилоб қилишга қур-бидари етмайдми. Амо «қора рўйхат»га киритиб қўйиш қўлларидан келади. Бу рўйхат уларга қим қандай муносаба-т дилигига қараб ҳар йили ян-гиланади. Йўриққа юрадиган-лар тепароққа, ормайдиганлар пастроққа жойлаштирилади. Сўзсиз, пастроқдаги-лар «демократияси тақчил»лардир.

Уларга юз-хо-тир қилинмас-дан тамга бо-силлади.

Ўтган йил-нинг якуни бўйича тузилган бу йилги «қора рўйхат»га яна Хитой киритилди. Давлат департаменти бу мамлакатни инсон ҳўқуқларини бузаётган-ликда, демократияни жорий этишда сустхалликда айбала-роса «дўпсотилади». Ўз навба-тида Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳам баёнот бериб, АҚШнинг ўзида инсон ҳўқуқлари бузи-лаётганлиги юзасидан дили-лабистларни рўқач қилиш. Хи-тойлик экспертларнинг ақи-дасида, ўтган йили АҚШ-да одам ўлдирдиш қўйилган, иркий ва жинсий камситиш қу-чайган, зуравонлик ҳамда ҳўқуқ-тартибот органлари то-монидан фўқаролар ҳўқуқла-рининг бузилиши ўсган, қаш-шоқлик кен тарқалган. Айниқ-са, ироклик ҳарбий асирларга нисбатан қилинган ваҳийлик инсон ҳўқуқларини бузишда-ги кечириб бўлмас ҳолдир.

Умуман, Хитой томонининг кузатуви сайловга тайёргар-лик қўриш ва уни ўтказиш жа-раёнини ўрганиб чиқиб, АҚШдаги сайлов тизими му-каммал эмас, деган хулосага келган ва бу борада хисобот тайёрлаган эди. Шунингдек, ўша пайтда Европада Хавфсиз-лик ва Ҳамкорлик Ташкилоти мутахассислари ҳам ўзлари-нинг худди шундай хулоса-ларини эълон қилган эдилар. Демократия доҳийларни бунга мутлақо эътибор ҳам берма-дилар ва 2004 йилдаги сай-ловни ҳам ўша мукаммал бўлмаган тизим бўйича ўтказ-дилар.

АҚШда президент бевоси-та сайловчиларнинг умумхалқ овоз бериши ва тўғридан-тўғри овоз олиш орқали эмас, балки ҳар бир шtat тайинлаган вакиллар орқали сайланади. Ким кўпроқ сай-

ловчиларнинг овозини эмас, ана шу вакилларнинг овозла-рини олса, шу номзод ғолиб чиқади. Бундай пайтда «қоп-қоп пуллар мусобақаси»дан ташқари бошқа маҳдий имко-ниятлар ҳам ишга солиниши мумкин. Биргина «Уотергейт» воқеасини эслашнинг ўзи ки-фоя.

Давлат департаменти «қора рўйхат»ининг пастроғида ўнлаб давлатлар қатори Рос-сия билан Ўзбекистон ҳам бў-риларга «демократияни олга силжитолмаяпти» деб тамга бо-сишяпти. Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам демократик ўзгаришлар юз бераётганли-гини бутун жаҳон қўриб, би-либ, ҳис этиб турибди. Би-роқ, моҳиятан айнан та-мгачиларникига ўша-маслиғи мумкин.

Чуқи, бизнинг тур-муш тарзимиз, мил-лий кадриятлари-миз, ёндашиш, ан-глас ва идрок этиш хусусиятларимиз бо-ш-қача. Бунинг учун тушуниш-маяпти ёки тушунишни ис-ташмаяпти.

Уларнинг ўй-хаёлларини қўлга олган гош ҳуқи, қандай қилиб бўлмасин, демократия-дан ўз геосийсий манфаатла-рини йўлида фойдаланишлари зарур. Шунинг учун ҳам инқи-лоб қилибми ёки бошқа йўлар биланми, демократия-ни экспорт қилиш имкония-тини излашмоқда. Бошқа-ларнинг эса демократияни экс-порт қилиш ёки қуч билан, қонун ёки фармон билан жо-рий этиш мумкин эмаслиғига ақли етиб турибди. Бунинг учун юқоридан эмас, пастдан зарур шарт-шароит этилиб бориши керак. Бу ҳақда хатто қўп йиллар АҚШда яшаган асл демократ Александр Солжени-цин ҳам «Россия» телеканали орқали узоқ ва тушунарли қилиб гапирди. Бу ҳақда Ис-лом Каримов, Владимир Пу-

тин, Хусни Муборак ва бошқа давлат раёблари ҳам расмий ҳақда норасмий равишда бир эмас, бир неча марта баёнот-лар беришди. Бу ҳақда сиё-сатчилар, дипломатлар ва журналистлар далил-исбот-лар билан асосланган ўз ху-лосаларини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ра-вишда бериб бормоқдалар. Тамгачиларга ана нима, қан-дай далил-исбот керак?

Яқинда Жиззах политехни-ка институтида бўлган бир уч-рашувада талабалар менга шундай савол беришди:

– Аслида халқаро ҳақамлик ҳўқуқи Бирлашган Миллатлар Ташкилотига берилган. Шун-га қарамасдан, айрим катта ва кучли давлатлар бу борада ташаббусни ўз қўлларига оли-шяпти. БМТ уларга қарши чора кўрса бўлмайдами?

– БМТ аёзо давлатлар бе-радиган бадаллар ҳисобига фоллят юртади, – дедим са-волга жавоб бериб. – Уша сиз-лар айтган катта ва кучли да-влатларнинг берадиган бадал-ларини ҳам катта. Уларга қар-ши боришининг ўзи бўлмай-ди. Мана, ҳозир биттаси БМТга берадиган бадалимни қамайтираман, деб дағдага қилляпти. Тўғри гапириб, тўғри қарор қабул қилишга бош-қош бўлгани ва урушни қоралагани учун БМТ Бош қотиби шаънига ножиоз гап-лар айтилаётганлигидан ҳам ҳабарингиз бор.

– Бунақада Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сонини ошириш ҳақида-ги тақдифлар қандай ҳал қилинади?

– Бу масала жуда мураккаб. Халқаро ҳамжамиятнинг ҳақамлиғи айрим давлатлар ҳўқумронлиги устидан галаба қилсанга, ҳар қандай маса-ла ечим топади.

Ақс ҳолда...

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Қадим юртнинг юксак хирмони

(Боши 1-бетда)

Бухороликлар галла ўримида бу гал ўзига хос усулни қўллашди. Аввало, мавсумни 20 кунда якунлаш дастури тузилди. Ўрим эса дастлаб Қоровулбозор туманидан бошланди. Қўлдаги бу туманда ишчи кучи кам, бугдой эса нисбатан эрта пишди. Сал ҳаялласангиз, бошқолардаги дон қосадаги сув каби тўкилиб кетиши, нобуд бўлиши мумкин. Вилоят ҳокимлиги белгиланган тадбир асосида барча туманларнинг ўрим-йғим отрядлари Қоровулбозорда жалб этилди. Натижада беш кун ичида туман галлазорларидаги ҳосил ўриб-йғиб олинди. Табиий шарт-шароити мураккаб Қоровулбозорда ҳар

гектар ердан ўртача 40 центнердан дон олишга эришилди. Бу ўтган йилга нисбатан ўртача 8,2 центнерга кўп демакдир. Вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасидегиларнинг билдиришларича, мавсум учун 141 та ўрим-йғим отряди ташкил этилган. МТПлар ва ҳўжаликлар ҳисобидан жами юздан зиёд "Кейс" ва "Класс" русумидаги комбайнлар қатнашди. Шофиркон туманидаги "Бухоро", Ғиждувон туманидаги Ибн Сино номи, Пешку туманидаги "Пахтаобод", Бухоро туманидаги "Ўрта Осиё" ширкат ҳўжаликларидан ўртача 65-75 центнердан, "Чинор" (Жондор тумани), "Ўғлон" (Пешку тумани), "Сохиб" (Қорақўл тумани) сингари қатор

фермер ҳўжаликларидан эса 70-90 центнердан дон олинди. —Юртбошимизнинг виллоятимиз галлакорларига йўллаган табрикларини ўқиб, бошимиз кўкка етди, — дейди Ғиждувон туманидаги Фовшун қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хумор Ҳамроева. —Тантиликни, меҳр-оқибатни, Ватанга муҳаббатни деҳқондан ҳар қанча ўрганса арзийди. Ахир, оғир тўла дон жонажон Ўзбекистонга, элу юртга садоқат, меҳру вафо ифодаси эмасми? Шўроналик неъматли бўлган галла хирмонлари юртимиздаги тинчлик — осийишталликни қўра олмайдиган қимсаларга муносиб жавоб эмасми?!

Истам ИБРОҲИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Дон мўл, кўнгил тўк

(Боши 1-бетда)

Ниятлари олий — юртни фаровон қилиш. Самарқанд Бухорога бориб, азиз жойларни зиёрат қилиш, болақонларга қучоқ-қучоқ китоб олиб бериш, мушукли қийинларга меҳр кўрсатиш...

Шуларни ўйлаб-ўйлаб ҳаёдан ўтказсангиз, Сурхондарёнинг бугунги улкан хирмониди қадим воҳанинг ободлиги, тўлар ҳавоси, спорт иншоотларининг маҳобати, дастурхонларнинг қўшайди ноларга-ю, ширин-ширин нозу неъматларга тўлиқлиги кўриниши. Инсонлар кўнглининг осмонлиги тилининг сайронлиги, қишлоқ шаҳардаги мактабларнинг ёруғлиги баландлиги, йўлларнинг текислиги равонлиги, боғу бўстонларнинг шодлиғи бахтга гавжумлиги галла хирмонларида бугун буй кўрсатаётир...

Бу йилги галла ўримидаги жангу жадалликни кўриб, ҳайратингиз ошади. 172 та комбайн қундузи кечга, кечани қундузга ўлади. Айниқса, 142 та "Кейс"нинг қайбатли гайратини кўриб, лол қоласиз. Комбайнларнинг ўрimgа ўз вақтида тайёр қилинганлиги, уларнинг мавсумни чуқур масъулият билан қарши олгани, ўрмининг тадбиркорлик ва уюшқоқлик билан ташкил этилганлиги айти мўдда бўлди. Саросиё туманидан кейин 23140 тонна дон тайёрлаган Музобод, 13925 тонна дон тайёрлаган Ангор, 1015 тонна галла топширган Бойсун туманлари ҳам давлат шартнома режасини ундадилар.

Бугун Сурхондарёда ҳақиқий галла байрами! Бойси шундаки, 8 та туман — Денов, Қизилқум, Қўмқўрғон, Бандихон, Жарқўрғон, Узун, Шеробод ва Олтинсой давлат шартно-

масини бир кунда адо этди. Айти шу муваффақиятлар замирида виллоят галаба нашидасиди! Виллоят галлакорлари ҳар гектар ердан ўртача 50 центнердан галла олишга эришилди. Бу чинакамга залворли кўрсаткич. Бу Сурхондарёнинг дон учун, нон учун, енгини шимариб, белни беш жойидан боғлаб, пешона тери тўкиб, алпона заҳмат чекканлардан нишон! Яна шу ютуқ кишини мамнун этадики, фермерларнинг ўрни янада салобатли. Виллоят галласининг 60 фоизи, яъни, 287472 тоннаси фермерлар ҳисобига тўғри келади. Фермерлар келахакни дадил қўлга олоқдалар.

Виллоят галлакорларининг даромадлари ҳам салмоқли бўлди. Сурхондарёга галладан 44 миллиард 733 миллион сўм даромад келадиган бўлди. Бу ўтган йилдагидан 11 миллиард 867 миллион сўм кўп дегани. Бу йил 8 миллиард 54 миллион сўм соф даромад олиш назарда тутилган. Соф фойданинг ўзи ўтган йилдагидан 2 баравар ошди. Даромадининг чўғи баланд, галлакорнинг руҳи баланд.

Галла ўрими давом этмоқда. Омборларнинг ичию ташқариси дон билан тўлмоқда. Яқингида 1000 тоннага яқин пилла тайёрлаб, шартномани дўндирган виллоят бугун дондан "олтин тоғ" яратиб турибди. Сурхондарёликларнинг шахди-шиддати қатъий. Бу йил пахтачилиқда ҳам республикада пешқадамлардан бўлиш. Зеро, қаерда ислохотлар жадал ва изчил бораётган экан, бундай жойда улкан самаралар бўлиши, шубҳасиз.

Менгнор ОЛЛОМУРДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

(Боши 1-бетда)

Ҳа, қатор йиллардан буён нармайликларнинг ошиғи олчи бўлапти. "Қишда ва кўкламда ёғингарчилик" кам бўлди, шунинг учун сув танқислиги сезилди, ҳосилини жала, дўл урди, совуқ уриб қўйди" қабилидаги баҳоналар нармайлик деҳқонларнинг луғатида йўқ. Уларда аниқ режа, ахд ва унга вафодорлик ҳисси бор, ҳолос. Шу боис, туман қишлоқ ҳўжалигининг барча

ла экилган эди. Режадаги 2480 тонна ўрнига 3227 тонна пахта сотган бу ширкат аъзолари йиллик режани 130 фоизга уддалаб, ҳосилдорлики 27,5 ўрнига 35,7 центнерга етказдилар. Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Пахтачиликдан қарийб 249 миллион сўм, галлачиликдан деярли 30 миллион сўм соф фойда олинди. Рентабеллик пахтачиликда 50,6, галлачиликда 13,4 фоизни ташкил

—Ютуқларнинг асосий сабаби меҳнат аҳлига бўлган эътибор, рағбатлантириш туфайли, — дея суҳбатни давом эттирди "Нарпай" ширкат ҳўжалигининг бош пудратчиси Сайфулла Донаев. — Мен бош бўлган пудратда 24 гектар майдонда 66 ўрнига 109,9 тонна оқ олтин етиштириб, ҳосилдорлики 27,8 ўрнига 45,8 центнерга етказдик. Яъни йиллик режа 166,5 фоизга бажарилди. Шу ўринда бир

Нарпайликлардан ўрناق олса арзийди

соҳаларида етти-саккиз йилдан буён пешқадам бўлиб келаяпти.

Ушбу гапларимизнинг далили сифатида қўйидаги рақамларга эътибор қаратишнингиз кифоя. Биргина ўтган йилни олайлик.

Туманда 11780 гектар майдонда пахта етиштирилиб, режадаги 30.150 тонна ўрнига 35.458 тоннадан зиёд пахта давлатга сотилди. Ҳосилдорлиқ 25,5 ўрнига 30,1 центнерни ташкил қилди. Бу давлатга пахта сотиш режаси 117,6 фоизга удаланганлиги кўрсатади. Олинган соф фойда 1,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Галлачиликда ҳам салмоқли натижаларга эришилди. 4731,7 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 46 ўрнига 47,7 центнердан ҳосил олинди.

Туманининг пахта хирмонида фермерлар ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. 2535 гектар майдондан режадаги 6180 тонна ўрнига 7914 тонна оқ олтинни давлатга сотиб, ҳосилдорлики 24,4 центнер ўрнига 31,2 центнердан оширилди. Галлачиликда эса фермерлар ҳосилдорлики 60 центнерга етказдилар.

Илгорлар ҳақида гап кетганда тумандаги А.Навоий номи ширкат ҳўжалиги ҳақида алоҳида тўхталиш лозим.

Энг залворли қарвон ҳисобланган ушбу ширкатда ўтган йили 900 гектарга чигит, 320 гектар майдонга гал-

қилди.

—Олинган фойда ҳўжалигимиздаги қишлоқларни ободонлаштиришга, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, мактаб, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, қишлоқ даволаш пунктлари қуришга, газлаштиришга ишлатилмоқда, — дейди ширкат раиси Норбўта Ибодов. — Қувончлиси шундаки, одамларимизнинг иқтисодий ислохотларга ишончи ортиб бораётган. Чинакамга меҳнат қилаётганларнинг ўйи донга, чўнтағи пулга тўлаётир.

Ўтган йили янги қурилган ҳовли-жойлар учун икки километр масофада газ қувурлари тортилди. Ҳўжалигимиз тўлиқ ичимлик суви, газ билан таъминланган. Ҳудудимиздаги 32-мактабга қўшимча синф хоналари қуриб бердик. Қози оёқли қишлоқда бозор қурилиши давом этаётир.

2003 йил якуни бўйича 27 миллион сўм дивиденд берилган бўлса, 2004 йил хисобига 46 миллион дивиденд берилди. 1200 нафар ширкат аъзоси иш ҳақини вақтида олиб туришди. Уларга ўтган йили 600 тоннадан зиёд галла тарқатилди. 92 тонна галла натурара берилди. Терим вақтида иш ҳақидан ташқари 40 тонна ёғ теримчиларга тарқатилди. Бундан ташқари кам таъминланган оилалар, кексалар, ёлғизлар, боқувчисини йўқотганлар доимий эътиборимизда.

Дарҳақиқат, юқорида айтганларимиз нармайлик ишбилармонлар ҳаётидан айрим лавҳалар ҳолос. Ҳулоса қилиб айтишда бўлсақ, қимки мард, танги одамларни кўриб, истараси иссиқ бобо-деҳқонлар билан суҳбат қурмоқчи бўлса, Нарпайга тақлиф этамиз.

Мамадий ЗИЁДИНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"Косон Дон" МЧЖ

2005 йил 4 июл соат 10.00 да жамият биносида навбатдан ташқари умумий мажлис ўтказилишини маълум қилади. Унинг кун тартибига Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 3766-сонли қарорига қўра жамият Устав фонди ва Таъсис шартномасига ўзгаришлар киритиш масаласи киритилган.

Тошкент шаҳар Миробод туманида Санот касб-ҳунар коллежи томонидан 2003 йил 5 июлда Қадиров Фахриддин Раҳматуллаевич номига берилган К №046693 (рўйхат рақами №232) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

В соответствии с постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг при Госкомимуществе Республики Узбекистан от 18 апреля 2005 года № 1127-1 инвестор НКЭИС "Узбекинвест" раскрывает информацию о намерении приобретения пакета акций.

ИНВЕСТИОР: Национальная компания экспортно-импортного страхования "Узбекинвест".

ЭМИТЕНТ: ОАО "Каттагар Темир Бетон Буйимлари Заводы", имеющее юридический адрес: Республика Каракалпакстан, г.Нукус, поселек Пристань.

ТИП ПРИОБРЕТАЕМЫХ АКЦИЙ: простая, именная, безналичная.

КОЛИЧЕСТВО: 39770 штук.

Объем приобретаемых акций: 29.99 %.

Утерянная круглая печать, выданный УВД Юнусабадского района г.Ташкента на имя ЧП "Дустмухамедов Даврон Сагдуллаевич", считать недействительным.

ООО "Миллионаире сервис" (код по ОКПО 19322189) Мирабадского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 132-13-53.

Утерянная круглая печать ЧФ "Азиз-Сино", выданный УВД Бектемирского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянный диплом № 040292, выданный 9 декабря 1993 года Национальным Университетом Узбекистана на имя Мирзакаримовой Дильфузы Мелисджановны, считать недействительным.

"Давинком" Давлат инвестиция фирмаси томонидан 2005 йил 13 июлда Республика кўчмас мулк биржаси савдосига давлат улушлари чиқарилаётган масъулият чекланган жамиятлари ва объектлар рўйхати

№	Объект номи	Тармоқ	Худуд	Савдога қўйилган улуш (%)	Улушнинг, объектнинг бошланғич нархи (минг сўм)
1	"SANOATKONSALTING" МЧЖ	Ҳокимият	Тошкент шаҳри	90,0	35949,75
2	Мирзо Улугбек тумани А.Икромов кўчаси, 27-уйда жойлашган "Меҳри савдо" давлат қорхонаси"	Ҳокимият	Тошкент шаҳри	100,0	856706,33

* Мазкур объект беш йил давомида ўз фаолият турини ўзгартирмаслик шарти билан сотилади.

Хўрматли юртдошлар!
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки
Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни тақлиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ - БУ:

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда сўғурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача.....	24% йиллик
1 йилдан 3 йилгача.....	23% йиллик
3 йилдан 5 йилгача.....	24% йиллик
"Юбилейный" (камида 6 ой).....	22% йиллик
"Ором" (камида 3 ой).....	22% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой).....	24% йиллик
"Наврўз" (2 ойга).....	24% йиллик
"Табассум" (45 кунга).....	24% йиллик
"Мадад" (1 йилга).....	22% йиллик
"Умид" (камида 3 ой).....	25% йиллик
"Такдим этувчи" (камида 3 ой).....	23% йиллик



БАНКДАГИ БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Хорижий валютадаги омонатлар

1 йилгача.....	3% йиллик
1 йилдан юқори.....	
1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача.....	4% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори.....	4,5% йиллик

Шунингдек, «Асака» банки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун депозит қутчаларини ижарага беради.

Маълумот учун телефонлар: 120-84-08, 57-85-15, 120-83-14



Эроннинг янги президенти

Ўтган жума кўни Эронда президент сайловининг иккинчи босқичи бўлди. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, ушбу курашда Техрон шаҳри ҳокими Маҳмуд Аҳмадий Наход галаба қозонган. Уни сайловда қатнашганларнинг 61,9 фоизи қўллаб-қувватлаган.

Маълумки, 17 июнда ўтган биринчи босқичда 7 нафар номзод иштирок этган эди. Улар орасида тўпланган овозлар микдори бўйича Эроннинг собиқ президенти Али Акбар Хошминий-Рафсанжоний биринчи, Маҳмуд Аҳмадий Наход эса иккинчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга ўтди.

Таъкидламоқ лозим, иккинчи қисмда вазият бутунлай бошқача тус олди. Сайловчиларнинг катта қисми Маҳмуд Аҳмадий Находни ёқлади. Али Акбар Хошминий-Рафсанжоний 35,8 фоз овоз тўплай олди. У мағлубитини тан олиб, янги президенти галаба билан табрикланди.

49 ёшли Маҳмуд Аҳмадий Наход Эрондаги консерваторлар оқими вакилидир. Эронда конституцияга риоя этишни назорат қилувчи олий орган - қузатув кенгаши томонидан сайлов натижаси тасдиқлангач, янги президент расман ўз вазифасини бажаришга киришади.

Нодирбек УЛҲАБОВЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Яширин келишувлар

АҚШ Ироқдаги исёнкор гуруҳлар билан яширин келишувлар олиб бормоқда. Бу ҳақда АҚШ Мудофаа вазирли Дональд Рамсфелд маълум қилди.



Унинг сўзига қўра, бунини яширишга ҳоҷат йўқ. Ироқда Америка расмийлари ва маҳаллий жангари гуруҳлар бошчиликларига ўртасида авваллари ҳам келишувлар бўлиб келган. Айти дамба "Ансор ас-Сунни" ва "Ироқ ислом армияси" раҳнаомлари билан битимга келиши ҳаракатлари бўлапти. АҚШ томони исёнчиларни тер-

рорчиларга қўмак бермасликка қақираётган бўлса, маҳаллий жангарилар коалиция қўчаларини Ироқдан олиб чиқиб кетиш вақтининг аниқ кўрсатилишини талаб этишмоқда.

Қимматли топилма

Ҳиндистоннинг Андра Прадеш штатида йирик газ захираси топилиди.

Топилманинг айти дамбада қиймати 50 миллиард долларга тенг эканлиги қайд этилган.

Ҳиндистоннинг энергосурсларга бўлган талаби катта бўлиб, четдан импорт қилишга мажбурдир. Ҳукумат вакилининг сўзига қўра, бу топилманинг очилиши тарихий воқеа ҳисобланади. Эндилда Ҳиндистондаги газ билан боғлиқ муаммолар бир неча баробарга қисқариши баҳорат қилинмоқда.

СПИД балоси

Малайзияда СПИДга қарши самарасиз кураш мамлакатда фавқулодда ҳолатни юзага келтиришни мумкин.

Малайзия бош вазирини ўринбосари Нажиб Тун Разоқ шу ҳақда маълум қилган. Маълумотларга қўра, айти дамба Малайзияда "ХХ аср вабоси" билан касалланиш кўрсаткичлари ўта юқоридир. Хисоб-китобларда келтирилишича, мамлакатда 65 минг фуқаро ВИЧ вирусини юқтирган, 10 мингдан зиёд одамга СПИД касаллиги таххисини қўйилган.

Қамоқхонада тафтиш

Америка Конгресси делегациясини Гуантанамо ҳарбий базасидаги қамоқхонани тафтиш қилди.




АҚШнинг ушбу қамоқхонасида терроризмда айбланувчилар сақланади. Гуантанамода мажбуслар ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш ва уларни аъзоларга дучор қилиш ортидан вужудга келган ҳабарлардан сўнг АҚШ расмийлари у ерда тафтиш ўтказишни маълум қилишган эди. Гуантанамода бўлган Конгресс аъзоларининг айримлари қамоқхона аввалги ҳолатидан тубдан фарқ қилишини айтиб ўтишган.

Янги тезюрар поезд

Японияда тезюрар поездларнинг янги авлоди синовдан ўтказилмоқда.

Fastech 360S деб аталаётган бу поезд соатига 405 километр тезлиқда ҳаракатланади. Энг асосийси унинг локомотивида "сезгир қулоқ"лари мавжуд. Бу қулоқлар тормоз тизимида янгилик ҳисобланиб, ер силқинишини олдиндан сезади ва автоматик равишда тўхтади. Японияда зилзила оқибатида поездлар ўз йўлларидан чиқиб кетиши кўп қузатилган. INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.



«Компания SMS International, Inc» намерена приобрести 193 055 штук простых именных безналичных акций ОАО «SHARGUNKOMIR», расположенного по адресу: Сурхандарьинская обл., Шаргунь, Сариясийский р-н, ул. А.Икрамова, 50. Пакет акций составляет 41,57% от Уставного фонда эмитента»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 28 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:

1 Австралия доллари	857,21	1 Польша злотийси	336,11
1 Англия фунт стерлинги	2033,09	1 СДР	1631,35
1 Дания кронаси	181,60	1 Туркия лираси	827,77
1 БАА дирҳами	303,60	1 Швейцария франки	877,05
1 АҚШ доллари	1115,00	1 ЕВРО	1351,94
1 Миср фунти	192,71	10 Жанубий Корея вон	11,01
1 Исландия кронаси	17,19	10 Япония иенаси	102,03
1 Канада доллари	904,30	1 Россия рубли	38,88
1 Хитой юани	134,72	1 Украина гривнаси	220,57
1 Малайзия ринггити	293,46		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийтини олганган.

Самарали усул

рақам билан рухсатдан ўтказилган.	E-mail: kishlokhayoti@mail.ru	Адади - 12095	ва саҳифаланди.	таърифи: Ёшлар турли қўлаш, 41 ун.
-----------------------------------	-------------------------------	---------------	-----------------	------------------------------------